

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2020 йил 30 ноябрдаги 44-сонли
қарорига илова

Ялпи ички маҳсулотни якуний истеъмол усулида
ҳисоблаш бўйича услубий низом

Мазкур Услубий низом Миллий ҳисоблар тизими-2008 (кейинги ўринларда – МХТ-2008) халқаро статистик андозаларига, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки экспертларининг тавсияларига асосланган ва давлат статистика органлари томонидан ялпи ички маҳсулот (кейинги ўринларда – ЯИМ)ни якуний истеъмол усулида ҳисоблаш ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган.

Янгиланган МХТ-2008 стандарти БМТ Статистика Комиссияси ҳомийлигида ишлаб чиқилган ҳамда илмий-тадқиқот фаолияти харажатлари, ҳарбий харажатлар, билвосита ўлчанадиган молиявий воситачилик хизматлари (кейинги – БЎМВХ), ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган яшаш хизматлари ва бошқа бир қатор муҳим иқтисодий операцияларни янгича талқин қилишни кўзда тутди.

Ушбу ҳужжатнинг мақсади бир қатор муҳим иқтисодий операциялар талқинидаги ўзгаришлар ва МХТ-2008 миллий ҳисобчилик бўйича тўртинчи халқаро стандартини олдинги МХТ-1993 билан таққослаганда юзага келган қўшимчалар билан боғлиқ услубий масалаларни янгилашдан иборат.

Мавжуд ахборот базасини яратиш, статистика ҳисоботларини такомиллаштириш, халқаро таснифлагичларни статистика амалиётига жорий этиш, МХТнинг бошқа макроиқтисодий статистика тизимларини халқаро таснифлагичлар, хусусан “Тўлов баланси ва халқаро инвестиция позицияси бўйича қўлланма”сининг олтинчи наشري (кейинги ўринларда – ТБҚ6) ва “Давлат молияси статистикаси бўйича қўлланма 2014 йил” (кейинги ўринларда – ДМС 2014) билан уйғунлигини таъминлаш каби бир қатор масалаларнинг ҳал қилиниши мазкур услубий низомни янгилаш имконини яратди.

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу услубий низомда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилади:

- **якуний истеъмол усулида ҳисобланган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)** иқтисодиётдаги барча резидент институционал бирликларининг якуний истеъмолга, ялпи жамғарилишга ва соф экспортга қилган харажатларини ифодаловчи кўрсаткичдир;

- **институционал бирлик** ўз номидан активларга эгалик қиладиган, мажбуриятларни ўз зиммасига оладиган, иқтисодий фаолият ва бошқа бирликлар билан операцияларни амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъектдир. Институционал бирлик иқтисодий манфаатдорлик маркази узоқ муддат (камида бир йил) мазкур мамлакатнинг иқтисодий ҳудудида бўлса мамлакатнинг **резиденти** ҳисобланади.

Бутун иқтисодиётни ташкил қилувчи резидент институционал бирликлар бир-биридан фарқланувчи бешта **институционал секторларга** гуруҳланади:

- а) номолиявий корпорациялар;
- б) молиявий корпорациялар;
- в) давлат бошқаруви органлари;
- г) уй хўжаликлари;
- в) уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар;

- **давлат бошқаруви органлари сектори** индивидуал ёки коллектив истеъмол учун асосан нобозор хизматларни кўрсатувчи (товарларни ишлаб чиқарувчи), шунингдек, даромадларни қайта тақсимловчи институционал бирликлардир. Ушбу бирликларнинг ресурслари бошқа секторларга тегишли бўлган институционал бирликлар томонидан тўланадиган солиқлар ва ажратмалар, шунингдек, мулкдан олинадиган даромадлар ҳисобига шаклланади;

- **уй хўжаликлари секторига** асосий функцияси ишчи кучини таклиф қилиш ва якуний истеъмол бўлган, шунингдек, сотиш ёки ўз истеъмоли учун товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширадиган барча резидент уй хўжаликлари киради.

- **уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар сектори (УХХКНТ)** – уй хўжаликларига нобозор хизматларни кўрсатиш билан шуғулланувчи институционал бирликлар (жамоат бирлашмалари, ижодий ва касаба уюшмалари, диний ташкилотлар, хайрия жамғармалари, алоҳида балансга эга бўлган соғлиқни сақлаш, таълим, маданият соҳасида хизматлар кўрсатадиган юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари) бўлиб,

уларнинг асосий ресурслар манбаи аъзолик бадаллари ва ташкилот маблағлари ҳисобланади;

- **якуний истеъмол** – алоҳида уй хўжаликлари ёки бутун жамият томонидан индивидуал ва коллектив эҳтиёжларни қондиришда фойдаланиладиган товарлар ва хизматлар қиймати;

- **иқтисодий жиҳатдан аҳамиятсиз нархлар** бу – товарлар ва хизматларнинг талаб ва таклифига таъсир қилмайдиган (ёки деярли таъсир қилмайдиган) нархлар;

- **натура шаклидаги иш ҳақи** – иш учун зарур бўлмаган ва ходимлар ўз эҳтиёжларини ёки уй хўжаликларининг бошқа аъзолари эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиши мумкин бўлган товарлар ва хизматлардан иборат натура шаклидаги мукофот;

- **натура шаклидаги ижтимоий трансфертлар** – давлат бошқаруви органлари ва УХХКНТ томонидан уй хўжаликларига натура шаклида бепул ёки иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган нархлардаги трансфертлар сифатида тақдим этиладиган индивидуал истеъмол товарлари ва хизматларининг қийматини англатади;

- **асосий капитал истеъмоли** – ҳисобот даврида ишлаб чиқарувчига тегишли бўлган ва фойдаланиладиган асосий фондлар захиралари жорий қийматининг жисмоний эскириши, одатий маънавий эскириши ёки тасодифий шикастланиш натижасида камайиши;

- **тўлов баланси** – маълум бир вақт давомида резидентлар ҳамда норезидентлар ўртасидаги иқтисодий операцияларни жамланган ҳолда ифодаловчи тизимлаштирилган макроиқтисодий ва статистик ҳисобот.

II. ЯИМни якуний истеъмол усулида ҳисоблаш тамойиллари

2. Якуний истеъмол усулида ҳисобланган ЯИМ иқтисодиётнинг барча институционал секторлари томонидан якуний истеъмолга, яъни жамғарилишга ва соф экспортга қилинган харажатлар йиғиндисидан иборат.

Якуний истеъмол усули бўйича ЯИМни ҳисоблаш қуйидаги формулага асосланади:

$$GDP = C + I + CII + X - M,$$

бу ерда

C – якуний истеъмол харажатлари;

I – асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши;

СИ – моддий айланма воситалар захираларининг ўзгариши;

X – товарлар ва хизматлар экспорти;

M – товарлар ва хизматлар импорти.

Якуний истеъмом усули бўйича ЯИМни ҳисоблашнинг батафсил чизмаси 1-иловада келтирилган.

Якуний истеъмом харажатлари (*FC*) қуйидагилардан ташкил топади:

а) уй хўжаликларининг якуний истеъмом харажатлари (*HHFC*);

б) давлат бошқаруви органларининг харажатлари (*GFC*);

в) уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар харажатлари (*NPISH FC*).

$$FC = HHFC + GFC + NPISH FC$$

Ушбу гуруҳлаш якуний истеъмом харажатларини ким томонидан молиялаштирилишини кўрсатади.

Ялпи жамғарилиш асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши ва моддий айланма воситалар захираларининг ўзгаришини ўз ичига олади.

Товарлар ва хизматларнинг экспорти ва импорти маълум бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан экспорт ва импорт операцияларини камраб олади.

3. Якуний истеъмом усули бўйича ЯИМ кўрсаткичлари республика даражасида Давлат статистика ишлари дастурида назарда тутилган муддатларда йиллик ва чораклик даврийликда шакллантирилади.

Якуний истеъмом усули бўйича ЯИМни йиллик баҳолаш батафсил маълумотларни ўз ичига олган йиллик статистик кузатувлар асосида амалга оширилади ва фойдаланишдаги таснифлагичларга мувофиқ кенгрок деталлаштирилган ҳолда шакллантирилади.

Якуний истеъмом усули бўйича ЯИМни чораклик баҳолаш жорий даврда мамлакатдаги мавжуд иқтисодий вазиятни дастлабки баҳолаш ва тавсифлаш мақсадида амалга оширилади, шу билан бирга улар йил ичидаги кўрсаткичлар бўлиб, уларга батафсил маълумотлар асосида йиллик баҳолаш жараёнида аниқлик киритилади. Шунингдек, якуний истеъмом усулида ЯИМни чораклик баҳолаш йилликдан фарқли равишда юқорирак даражада умумлаштирилган ҳолда шакллантирилади.

Ш. Уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари

4. Уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатларини баҳолаш Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 24 декабрдаги 131-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи, 2018" (кейинги ўринларда – МИИТ)га мувофиқ амалга оширилади. Мазкур таснифлагич халқаро СОICOP 2018 (Classification of Individual Consumption According to Purpose) таснифлагичига мослаштирилган.

5. МИИТ 2-иловада келтирилган 15 та асосий тоифани ўз ичига қамраб олади. Улардан биринчи 13 таси уй хўжаликларининг индивидуал истеъмоли учун умумий харажатларини акс эттиради. Охирги иккита тоифа УХХКНТ ва давлат бошқаруви органларининг натура шаклидаги ижтимоий трансфертлари сифатида кўриб чиқиладиган харажатлар қисмини акс эттиради. Шу билан бирга, 15 та тоифанинг барчаси уй хўжаликларининг ҳақиқий истеъмолини англатади.

6. Уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- истеъмол товарлари ва хизматларини сотиб олишга қилинган харажатлар;

- ўз якуний истеъмоли учун ишлаб чиқарилган ва меҳнат ҳақи сифатида олинган товарлар ва хизматлар қиймати.

7. Уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари қуйидагиларни ўз ичига олмайди:

- а) уй-жойлар, чорва моллари ва қимматбаҳо буюмларни сотиб олиш (улар ялпи жамғарилиш сифатида қаралади);

- б) ишлаб чиқариш мақсадларида сотиб олинган товарлар ва хизматлар (уй хўжаликларининг оралиқ истеъмолига киради), шу жумладан: қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, анжомлар, ем-хашак ва кўчатлар, уйдаги чорва молларига кўрсатилган ветеринар хизматлар учун ҳақ тўлаш, машиналар ва хўжалик бинолари ижараси учун тўловлар ва бошқалар;

- в) корхоналарнинг хизмат сафари харажатлари учун маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган транспорт ва меҳмонхона хизматлари харажатлари (бу корхоналарнинг оралиқ истеъмоли сифатида қаралади).

8. Оралиқ истеъмол, якуний истеъмол ва ялпи жамғарилишни шакллантиришда ишлатилиши мумкин бўлган баъзи товарлар

ва хизматларни баҳолашда ёндашувни фарқлаш учун эксперт баҳолаш ўтказилади.

Енгил автомобилларни сотиб олиш. МХТ-2008 (9.60-банд) тавсияларига мувофиқ, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш харажатлари унинг ишлаб чиқариш ва шахсий мақсадларда фойдаланилишига мутаносиб равишда уй хўжаликларининг асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши ва якуний истеъмол харажатлари ўртасида тақсимланиши керак. Шунинг учун эксперт баҳолаш ўтказилади: сотиб олинган автомобиллар қийматининг аксарият қисми уй хўжаликларининг якуний истеъмолига, қолган қисми уй хўжаликлари асосий капиталнинг ялпи жамғарилишига тегишлидир.

Электр энергияси ва бошқа турдаги ёнилғи маҳсулотлари, шахсий транспорт воситалари ва бошқалар учун ёқилғи-мойлаш материаллари. МХТ-2008 (9.59 банд) тавсияларига мувофиқ, бир турдаги товарлар ва хизматлар (масалан электр энергияси ёки ёқилғининг баъзи турлари) ишлаб чиқариш мақсадларида ва худди шундай якуний истеъмол учун ҳам ишлатилиши мумкин. Якуний истеъмол харажатларига фақатгина уй хўжалигининг ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлмаган қисми тегишли бўлади, қолган қисми уй хўжаликларининг оралиқ истеъмоли сифатида қабул қилинади.

Транспорт хизматлари. Транспорт хизматлари бўйича якуний истеъмол харажатларини баҳолашда хизмат сафари билан боғлиқ транспорт харажатлари (корхонанинг оралиқ истеъмолига киради) ва уй хўжаликларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ транспорт харажатлари (уй хўжаликларининг оралиқ истеъмолига киради) чиқариб ташланади.

Меҳмонхона хизмати. Хизмат сафари билан боғлиқ меҳмонхоналарда яшаш харажатлари корхонанинг оралиқ истеъмоли ҳисобланади, шунингдек, улар уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатларидан чиқариб ташланади.

9. Уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатларини ҳисоблашда мавжуд бўлган барча маълумотлар манбаларидан фойдаланилади: уй хўжаликлари бюджетларини мунтазам кузатуви маълумотлари (бундан кейин – УХБК); чакана савдо айланмаси ва умумий овқатланиш тўғрисидаги маълумотлар; аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизматлар тўғрисидаги маълумотлар; қишлоқ хўжалиги статистикаси маълумотлари; суғурта

ташкilotларининг статистик ҳисоботлари маълумотлари; тўлов балансининг "Ташрифлар" моддаси бўйича маълумотлари ва бошқалар.

10. УХБК МИИТнинг таркибий қисмлари бўйича батафсил маълумот беради ҳамда молиявий воситачилик ва суғурта хизматларидан ташқари барча зарур харажатлар моддаларини ўз ичига олади. Ушбу манбанинг ижобий хусусияти шундаки, товарлар ва хизматларни сотиб олиш бўйича кузатувда уларнинг нархлари харидорларни сотиб олиш вақтидаги нархлари бўйича қайд этилади, бу эса МҲТнинг рўйхатга олиш ва баҳолаш бўйича талабларига мос келади.

Бундан ташқари, УХБК тўғридан-тўғри сотувчилардан тўпланган савдо тўғрисидаги маълумотларга қараганда, майда чакана савдогарлар ва хизмат кўрсатувчилардан харидларни тўлиқроқ қамраб олиш имконини бериши мумкин, чунки харидорлар сотувчиларга қараганда харажатларини камроқ яширади.

Уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатларини ҳисоблаш учун маълумот манбаи бўлган УХБК одатда баъзи чекловларга эга:

- танланма ҳажми одатда нисбатан кичик бўлиб, бу муайян аҳоли гуруҳларига тегишли харажатлар моддаларининг репрезентативлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин;

- камдан-кам амалга ошириладиган (узок муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олиш каби) харажатлар ёки ижтимоий жиҳатдан нозик ҳисобланган (алкоголь ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ва бошқаларни сотиб олишга) харажатлар моддалари тўғрисидаги маълумотларнинг ҳам ишончлилиқ даражаси паст;

- айрим товарлар ва хизматлардан ишлаб чиқариш мақсадларида ҳам, уй хўжаликларининг якуний истеъмоли сифатида ҳам фойдаланилиши мумкин ва уюшмаган корхоналар эгалари бўлган уй хўжаликлари харидлардан фойдаланиш мақсадлари тўғрисида алоҳида маълумот бермасликлари мумкин.

11. Чакана савдо статистикаси маълумотлари, айниқса чакана савдо каналлари орқали тарқатиладиган товарлар қисми учун ва чакана савдо ташкilotи ихтисослашган бўлса, уй хўжаликларининг якуний истеъмоли бўйича муҳим ахборот манбаи ҳисобланади.

Ушбу маълумот манбаининг камчиликлари қуйидагилардир:

- баъзи дўконларда жуда кўп турдаги маҳсулотлар сотилади ва улардан маҳсулот турлари бўйича қўшимча маълумотлар тақдим этиш зарур бўлади;

- чакана савдо маълумотларига уй хўжаликларидан ташқари бошқа истеъмолчилар хариди ҳам киради;

- уй хўжаликлари маҳсулотларни бевосита ишлаб чиқарувчилар, улгуржи савдогарлар ва деҳқон хўжаликларидан сотиб олишлари мумкин;

- чакана савдо кузатувларида уюшмаган уй хўжаликлари корхоналари томонидан амалга оширадиган кичик кўламли савдолар тўғрисидаги маълумотлар қамровининг тўлиқ эмаслиги;

- савдо корхоналари солиқларни тўламаслик учун ўз товар айланмаларини сунъий равишда паст баҳолашлари мумкин ва бу яширин иқтисодиётнинг бир қисми ҳисобланади.

Шунинг учун, аксарият ҳолларда чакана савдо статистикаси қўшимча манбаларга асосланган ҳолда тузатишлар киритишни талаб этади.

12. УХБКда репрезентатив бўлмаган товарлар бўйича харажатлар чакана товар айланмаси статистикаси маълумотлари асосида шакллантирилади:

- алкоголь маҳсулотлари;
- тамаки маҳсулотлари;
- транспорт воситаларини сотиб олиш.

13. Уй хўжаликларининг пуллик хизматларни сотиб олиш бўйича харажатлари маиший хизматлар, соғлиқни сақлаш, транспорт, ахборот ва алоқа, дам олиш, спорт ва маданият, таълим, умумий овқатланиш корхоналари ва меҳмонхоналар хизматлари, суғурта, молия ташкилотлари хизматларига харажатлар асосида шаклланади.

14. Уй хўжаликларининг ҳақиқий якуний истеъмоли уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари ва давлат бошқаруви органлари ёки УХХКТдан олинган натура шаклидаги ижтимоий трансфертлардан ташкил топади.

15. МХТ-2008га мувофиқ, уй хўжаликларининг хизматлар кўрсатишга қилган харажатлари билвосита ўлчанадиган молиявий воситачилик хизматлари (кейинги ўринларда – БЎМВХ)ни ўз ичига олади. БЎМВХни институционал секторлар бўйича ҳисоблаш истеъмол таркиблари бўйича уни тақсимлаш учун керакли маълумотларни олишга имкон беради.

БЎМВХ ишлаб чиқариши номолиявий ва молиявий корпорациялар, давлат бошқаруви органлари, УХХКНТ ва ўз турар-жойларида яшайдиган ҳамда уюшмаган корхоналар мулк эгалари ҳисобланган уй хўжаликлари секторларининг оралиқ истеъмолига тегишли бўлади.

Истеъмолчи-уй хўжаликлари учун БЎМВХ ишлаб чиқариши уй хўжаликлари секторининг якуний истеъмол харажатларига тегишли бўлади. БЎМВХ ишлаб чиқаришини тақсимлаш усуллари Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 31 октябрдаги 42-сонли қарори билан тасдиқланган "Билвосита ўлчанадиган молиявий воситачилик хизматлари ишлаб чиқаришини ҳисоблаш бўйича услубий низом"да батафсил баён этилган.

БЎМВХ ишлаб чиқаришининг якуний истеъмолга тегишли қисми ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган молиявий ва суғурта фаолиятининг ҳисоб-китобларидан аниқланади.

16. Уй хўжаликларининг ўз якуний истеъмоли учун ишлаб чиқарган товарлар ва хизматлари истеъмоли қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) гўшт, сут, тухум, дон, нон, мевалар, сабзавотлар ва бошқалар каби уй хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган, УХБК маълумотлари асосида аниқланадиган маҳсулотлар;

б) уй эгалари томонидан ўз истеъмоллари учун ишлаб чиқарилган яшаш хизматлари.

17. МХТ-2008 (10.34-банд)га кўра, ўз уйида яшайдиган уй-жой эгалари ўз истеъмоли учун яшаш хизматларини ишлаб чиқарувчи уюшмаган корхоналар сифатида қаралади. Хусусий уй-жой мулкдорлари томонидан ўз истеъмоллари учун ишлаб чиқарилган яшаш хизматларининг қиймати ўз уйида яшаш бўйича хизматларнинг шартли қиймати сифатида баҳоланади ва ишлаб чиқариш ҳажми фойдаланувчилар харажатлари усулида ҳисобланади.

Фойдаланувчиларнинг харажатлари усули тўғрисидаги тушунтиришлар Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 29 августдаги 31-сонли қарори билан тасдиқланган "Уй-жой эгалари томонидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган яшаш хизматларини баҳолаш бўйича услубий низом"ида батафсил келтирилган.

18. Меҳнат ҳақи сифатида олинган товарлар ва хизматларнинг қиймати иш берувчилар томонидан ўз ёлланма ишчиларига меҳнат ҳақи (натура шаклидаги даромад) ҳисобида берилган товарлар ва хизматларни ўз ичига олади.

Моддий наф тарзидаги даромадлар тўғрисида маълумотлар жисмоний шахсларга меҳнат ҳақидан ташқари тўловлар бўйича корхоналар ва ташкилотларнинг давлат статистика ҳисоботлари маълумотлари асосида шакллантирилади (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг "Моддий манфаатлар кўринишидаги даромадлар" тўғрисидаги 376-моддасига мувофиқ).

19. Уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари фақат резидент уй хўжаликлари учун аниқланади. Шу сабабли, уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари резидентларнинг чет элдаги товарлар ва хизматлар харидларини ҳисобга олиши (туристик саёҳатлар вақтида ва бошқалар) ва норезидентларнинг мамлакат ҳудудидаги шу каби харидларини истисно қилиши керак.

Ушбу маълумотлар тўлов баланси асосида "Ташрифлар" моддаси бўйича импорт ва экспорт ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади. Уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари асосан УХБК асосида шакллантирилганлиги сабабли, ХВЖ техник кўмаги доирасида халқаро эксперт тавсияси бўйича фақат резидентлар томонидан чет элда сотиб олинган товарлар ва хизматлар учун тузатишлар амалга оширилади ҳамда "Ташрифлар" моддаси бўйича импорт қўшилади.

IV. Давлат бошқаруви органларининг якуний истеъмол харажатлари

20. Давлат бошқаруви органларининг якуний истеъмол харажатлари бу сектор институционал бирликларининг уй хўжаликларига бепул ёки иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган (бозор нархларидан паст) нархларда тақдим этадиган истеъмол товарлари ва хизматларига кетган харажатларини ўз ичига олади. Давлат муассасаларининг харажатлари давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

21. Давлат бошқаруви органларининг якуний истеъмол харажатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) давлат муассасаларининг нобозор хизматлар ишлаб чиқариши;

б) Марказий банкнинг нобозор ишлаб чиқариши;

в) уй хўжаликларига бепул ёки иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган нархларда бериш учун бозор ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинган истеъмол товарлари ва хизматлари қиймати.

Давлат бошқаруви органларининг якуний истеъмол харажатларини ҳисоблаш чизмаси 3-иловада, уй хўжаликларига тақдим этиш учун бозор

ишлаб чиқарувчиларидан товарлар ва хизматларни сотиб олиш харажатларининг шаклланиш чизмаси 4-иловада келтирилган.

22. Давлат бошқаруви органларининг якуний истеъмол харажатлари икки асосий гуруҳга бўлинади:

- а) индивидуал товарлар ва хизматларга кетган харажатлар;
- б) коллектив хизматларга кетган харажатлар.

23. Индивидуал товарлар ва хизматларга давлат бошқаруви органлари харажатлари соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари харажатларини ўз ичига олади ва натура шаклидаги ижтимоий трансферт сифатида қаралади.

24. Коллектив хизматларга харажатлар ўз ичига давлат бошқаруви, муҳофаа, жамоат тартиби ва хавфсизлиги, иқтисодиётни бошқариш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида фаолият юритадиган давлат муассасаларининг харажатларини, шунингдек, Марказий банкнинг nobozor ишлаб чиқарилишини олади.

25. Давлат бошқаруви органлари харажатларини баҳолаш қуйидаги институционал бирликлар гуруҳлари бўйича амалга оширилади:

- бюджет муассасалари;
- давлат бюджетидан ташқари жамғармалари;
- давлат бошқаруви органлари томонидан назорат қилинадиган ва молиялаштириладиган nobozor нотижорат ташкилотлар (кейинги ўринларда – НТТ).

26. Бюджет муассасалари фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботи маълумотлари ҳисобланади.

Давлат бюджетидан ташқари жамғармалар фаолиятини молиялаштириш учун жорий харажатларнинг таркибий қисмлари ушбу жамғармалар томонидан тақдим этилган маълумотларга мувофиқ, алоҳида ҳисобланади. Ушбу харажатларга бюджет муассасалари томонидан амалга ошириладиган турли хил давлат дастурларини молиялаштириш учун ажратилган маблағлар кирмайди.

НТТлар жорий харажатларининг алоҳида таркибий қисмлари тўғрисидаги статистик ҳисобот (“Нотижорат ташкилотининг фаолияти тўғрисида ҳисобот” 1-notijorat shakli) маълумотлари уларнинг маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади.

27. Давлат бошқаруви сектори (**O**)нинг nobозор ишлаб чиқаришини баҳолаш ишлаб чиқаришнинг жорий харажатлари йиғиндиси бўйича амалга оширилади ва қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$O = CE + IC + CFC,$$

бу ерда

CE - ёлланма ишчиларнинг меҳнат ҳақи;

IC - оралиқ истеъмол;

CFC - асосий капитал истеъмоли.

28. Индивидуал ва коллектив истеъмол учун nobозор товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни тақсимлашда халқаро "Давлат бошқаруви органлари функцияларининг таснифлагичи" (кейинги ўринларда – ДБОФТ) қўлланилади. Давлат бошқаруви органлари секторининг nobозор ишлаб чиқаришини ҳисоблаш алгоритми 5-иловада келтирилган.

29. Асосий капитал истеъмоли (кейинги ўринларда – АКИ) барча турдаги асосий капиталлар учун уларнинг ҳақиқий фойдаланиш муддати ва жорий қайта тиклаш қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Ҳозирги кунда АКИни баҳолашда Халқаро валюта жамғармасининг миллий ҳисоблар бўйича техник кўмаги доирасидаги эксперт тавсияларига мувофиқ, давлат бошқаруви сектори бўйича бошқа давлатларда фойдаланиладиган эскиришнинг қатъий белгиланган фоизи қўлланилади.

30. МХТ-2008 тавсияларига биноан, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар (кейинги ўринларда – ИТИ) интеллектуал мулк маҳсулотлари тоифасига киритилади ва улар эгасига иқтисодий наф келтирмайдиган ҳолатлардан ташқари (улар ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилса) барча ҳолатларда актив ҳисобланади, яъни улар сармоя сифатида киритилади. Шунинг учун ИТИ бўйича харажатлар давлатнинг якуний истеъмол харажатларига киритилмайди ва асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши деб қаралади.

V. Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар (УХХКНТ)нинг якуний истеъмол харажатлари

31. Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларнинг асосий турларига қуйидагилар киради:

а) биринчи навбатда ўз аъзоларига хизмат кўрсатиш учун нотижорат ташкилотлар; Булар касбий, ижодий ва бошқа уюшмалар, сиёсий партиялар,

диний жамиятлар, кўнгилли спорт жамиятлари ва бошқалардир. Бундай ташкилотлар асосан аъзолик бадаллари ҳисобидан молиялаштирилади.

б) уй хўжаликларига нобозор товарлар ва хизматларни етказиб берадиган ҳамда асосан пул ва натура шаклидаги хайрия маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган хайрия жамиятлари ва жамғармалари;

в) асосан ўз таъсисчи корхоналари ходимларига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатувчи корхоналар бўлинмалари. Бундай бўлинмалар таъсисчи корхонадан трансфертлар шаклида маблағлар оладиган нотижорат ташкилотлар (идоровий уй-жой, касалхоналар, даволаш ва профилактикалар, клублар, стадионлар ва бошқалар) сифатида қаралади.

Шундай қилиб, УХХКНТ сектори институционал бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг мақсади фойда олиш эмас. Ушбу сектор аъзолик бадаллари, хайриялар, субсидиялар, иқтисодиётнинг бошқа институционал секторларидан олинган бошқа мақсадли маблағлар, шунингдек мулкдан даромадлар ҳисобига фаолият олиб боради.

32. УХХКНТларнинг якуний истеъмол харажатлари қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$NPISH\ FC = NMO - P + ST,$$

бу ерда

NPISH FC - УХХКНТларнинг якуний истеъмол харажатлари;

NMO - УХХКНТларнинг нобозор товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариши;

P - товарлар ва хизматларни бозор нархларида сотишдан ва истеъмолчилар томонидан хизматлар нархининг қисман қопланишидан тушумлар;

ST - уй хўжаликларига ўтказиш учун бозор ишлаб чиқарувчиларидан истеъмол товарлари ва хизматларини сотиб олиш харажатлари.

33. Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан уй хўжаликларига тақдим этилган товарлар ва хизматлар ҳажми нодавлат нотижорат ташкилотлар учун давлат статистика ҳисоботи асосида аниқланади (“Нодавлат нотижорат ташкилотнинг фаолияти тўғрисида ҳисобот” 1-NNТ shakli).

Корхона томонидан тўланадиган ва унинг ходимларига тақдим этиладиган ижтимоий-маданий хизматларнинг ҳисоб-китоблари тижорат корхоналарининг статистика ҳисоботлари маълумотлари асосида (“Ташкилот хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида ҳисобот” 1-korxona) шаклланади ҳамда ижтимоий-маданий соҳанинг (санаторийлар, дам олиш

масканлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, таълим, маданият) идоравий объектларини жорий сақлаш харажатлари ҳажми номолиявий сектордан уй хўжаликлари секторига тақдим қилинган жорий трансфертлар сифатида акс эттирилади.

34. Ҳисоб-китоблар халқаро "Мақсадлар бўйича уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар харажатлари таснифлагичи" (кейинги ўринларда – НТМТ) бўйича амалга оширилади. Шартли равишда УХХКНТлар фақат индивидуал товарлар ва хизматларни тақдим этади деб қабул қилинади.

VI. Ялпи жамғарилиш

35. Ялпи жамғарилиш асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши, моддий айланма воситалар захираларининг ўзгаришини ва соф қимматбаҳо буюмларни сотиб олишни ўз ичига олади.

36. Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши резидентлар томонидан асосий капитал объектларига, келажакда улардан фойдаланиб, даромад олиш мақсадида киритилган маблағларни ўзида намоён этади.

Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- а) янги асосий фондларни сотиб олиш;
- б) илгари ишлатилган асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектларни сотиб олиш (чиқиб кетганларини чегирган ҳолда);
- в) асосий пода моллари қийматининг ўсиши;
- г) асосий фондларни капитал таъмирлашга қилинган харажатлар;
- д) бюджет ажратмалари ҳисобидан бюджет ташкилотлари томонидан асбоб-ускуналар, узоқ фойдаланиладиган предметлар, ахборот ресурслари ва ахборот кутубхона марказлари учун китобларни сотиб олишга қилинган харажатлар;
- е) капитал қурилиш объектларига тегишли бўлмаган геология-қидирув ишларига қилинган харажатлар;
- ж) дастурий таъминотни тузиш ва сотиб олишга қилинган харажатлар;
- з) илмий тадқиқот ва ишлаланмаларга харажатлар;
- и) адабиёт ва санъат асарларининг асл нусхаларини сотиб олишга кетган харажатлар;
- к) ноишлаб чиқариш активларига бўлган мулк хуқуқларни бериш билан боғлиқ харажатлар;

л) асосий капиталнинг бепул келиб тушиши.

37. Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши таркибига қуйидагилар кирмайди:

а) узоқ муддат хизмат қилишига қарамасдан, майда асбоблар, иш кийими, бутловчи қисмлар, арзон нархдаги ускуналарни сотиб олиш (улар оралик истеъмол таркибига киритилади);

б) уй хўжаликлари томонидан ўз истеъмол эҳтиёжлари учун сотиб олинган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар;

в) ҳали тўлови келиб тушмаган тугалланмаган қурилиш ва тугалланмаган капитал таъмирлаш (улар моддий айланма воситалар захираларининг ўзгаришига киритилади);

38. Асосий капиталнинг ялпи жамғарилишини ҳисоблаш учун маълумот манбалари инвестиция фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахсларнинг давлат статистика кузатувлари маълумотлари ҳамда турар-жой ва нотурар жой объектларини қуриш бўйича якка тартибдаги қурувчиларнинг статистик кузатувлари натижалари ҳисобланади. Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши ҳисоб-китобларининг асосида МҲТ концепцияларига мувофиқлаштирилган “асосий капиталга инвестициялар” кўрсаткичи ётади.

Услубий ёндашувларнинг сўнгги ўзгаришлари натижасида амалга ошириладиган ҳисоб-китобнинг батафсил тавсифи Давлат статистика кўмитасининг 2018 йил 30 январдаги 3-сонли қарори билан тасдиқланган "Капитал билан операциялар ҳисобини шакллантириш бўйича вақтинчалик услубий низом"да келтирилган.

39. Моддий айланма воситалар (МAB) захираларининг ўзгариши ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ва қайта сотишга мўлжалланган товарлар захираларининг ўзгаришини ўз ичига олади.

40. Захираларнинг ўзгариши корхоналарнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари бўйича давр охири ва бошидаги захиралар қиймати ўртасидаги фарқ орқали аниқланади. Моддий айланма воситалар захираларининг ўзгаришини ҳисоблашда нархлар ўзгаришининг таъсирини йўқотиш мақсадида давр охири ва бошидаги захираларни ҳисобот даврининг ўртача нархларида баҳолашни кўзда тутувчи махсус ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

41. Тайёр маҳсулотлар захираси ва тугалланмаган ишлаб чиқаришини қайта баҳолаш учун тегишли тармоқлар бўйича ишлаб чиқарувчилар

нархлари индексларидан фойдаланилади. Ишлаб чиқариш захираларини қайта баҳолашда “Ресурслар ва ишлатилиш” жадваллари маълумотлари асосида турли хил захираларнинг келиб чиқиш тармоқлари аниқланади ва уларга тегишли ишлаб чиқарувчилар индекслари танлаб олинади. Қайта сотишга мўлжалланган товарлар истеъмол нархлари индекси орқали қайта баҳоланади.

Моддий айланма воситалар захираларининг ўзгаришини ҳисоблаш кетма-кетлиги услубий низомнинг 6-илоvasида келтирилган.

Моддий айланма воситалар захираларининг ўзгаришини баҳолаш бўйича батафсил йўриқномалар Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 30 сентябрдаги 33-сонли қарори билан тасдиқланган "Моддий айланма воситалар захираларининг ўзгаришини ҳисоблаш бўйича услубий низом"да келтирилган.

42. Қимматбаҳо буюмлар қимматбаҳо металллар ва тошлар, антиқа буюмлар, коллекциялар ҳамда бошқа тасвирий санъат асарларини ўз ичига олади. Улар асосан ишлаб чиқариш ва истеъмол сифатида эмас, балки жамғариш воситаси сифатида нафақат уй хўжаликлари, балки нотижорат ташкилотлар, давлат муассасаларида ҳам сақланади. Шу билан бирга бу қимматбаҳо буюмларнинг ҳақиқий (умумий нарх даражасига нисбатан) қиймати вақт ўтиши билан камаймаслиги тахмин қилинади.

VII. Товарлар ва хизматлар соф экспорти

43. Соф экспорт Ўзбекистоннинг экспорт-импорт операцияларини камраб олади ҳамда товарлар ва хизматларнинг экспорти ва импорти сальдоси сифатида аниқланади.

Товарлар ва хизматларнинг экспорти ва импорти “кўринадиган товар”лар (моддий қимматликлар, тўлов воситаси сифатида ишлатилмайдиган номонетар олтин ва кумуш, беғараз ёрдам сифатида бериладиган товарлар ва бошқалар) ва хизматлардан ташкил топади.

44. ТБҚбнинг ҳисобга олиш ва аниқлаш тамойиллари деярли тўлиқ МХТ-2008 билан мослаштирилган, бу эса товарлар ва хизматлар экспорти қисмида миллий ҳисобларни шакллантириш учун тўлов балансини маълумотлар манбаи сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

Товарлар экспорти ва импорти мамлакат чегарасини кесиб ўтадиган ёки резидент ва норезидент ўртасида мулк ҳуқуқининг ўзгаришини назарда тутадиган товарлар бўйича барча операциялардан ташкил топади.

Хизматлар экспорти ва импорти резидентлар томонидан норезидентларга ҳамда норезидентлардан резидентларга кўрсатиладиган барча хизмат турларини қамраб олади ва қуйидагиларга бўлинади:

- бошқа томонларга тегишли бўлган моддий ресурсларни қайта ишлаш бўйича хизматлар;

- бошқа тоифаларга киритилмаган таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш;

- барча турдаги транспорт хизматлари;

- ташрифлар (норезидентларнинг Ўзбекистонда иш ва туризм учун қилган харажатлари ҳамда резидентларнинг чет элда иш ва туризм учун қилган харажатлари);

- молиявий воситачиларнинг хизматлари;

- хизматларнинг бошқа тоифалари (қурилиш, суғурта, компьютер ва ахборот хизматлари, бошқа ишбилармонлик хизматлари, маданият ва дам олиш соҳасида жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар, бошқа тоифаларга киритилмаган давлат товарлари ва хизматлари).

45. Тўлов балансидаги экспорт ва импорт тўғрисидаги маълумотлар доллар кўринишида ифодаланади. Товарлар экспорти ва импорти бўйича АҚШ долларидаги маълумотлар миллий валютага Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра ҳисобот давридаги ўртача доллар курси бўйича ўтказилади.

VIII. Якуний истеъмол усулида ЯИМни доимий нархларда баҳолаш тамойиллари

46. Солиштирма ва таркибий таҳлил қилиш учун ЯИМ кўриб чиқиладиган даврнинг жорий нархларида ҳисобланади. Ўтган даврга нисбатан кўрсаткичлар динамикасини аниқлаш учун ЯИМ, шунингдек, ундан фойдаланишнинг барча кўрсаткичлари бўйича базис даврининг солиштирма нархларида ҳисоблаб чиқилади. Солиштириш учун база сифатида ўтган йилнинг мос давридан фойдаланилади.

47. Уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари қуйидагилар учун алоҳида доимий нархларда ҳисобланади:

- истеъмол товарларини сотиб олиш ва бозор хизматлари (истеъмолчилар харажатлари) учун тўлов;

- уй хўжаликлари ўзларининг якуний истеъмоли учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар истеъмоли (деҳқон хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилинган маҳсулотлар қиймати);

- натура шаклида олинган даромадлар ҳисобига товарлар истеъмоли;

- хусусий уй-жой эгаларининг ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарадиган яшаш хизматлари қиймати.

48. Истеъмол товарлари ва хизматларини сотиб олиш харажатлари МИИТга мувофиқ товарлар ва хизматлар гуруҳларига тақсимланади ва доимий нархларда жорий нархлардаги қийматни истеъмол нархлари индекси ёрдамида дефляция қилиш орқали қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$HHFC_{const.} = \sum_{i=1}^n GS_i / I_i,$$

бу ерда

$HHFC_{const.}$ - уй хўжаликларининг доимий нархлардаги истеъмол товарлари ва хизматларига қилган харажатлари;

GS_i - уй хўжаликларининг МИИТ бўйича жорий нархлардаги i – гуруҳидаги истеъмол товарлари ва хизматларини сотиб олиш учун қилган харажатлари;

I_i - жорий даврнинг ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда, МИИТ бўйича i – гуруҳдаги товар ва хизматлар нархлари даражасининг ўзгаришини акс эттирувчи истеъмолчилар нархлари индекси.

49. Доимий нархлардаги натура шаклида олинган даромадлар ҳисобига товарлар ва хизматлар истеъмолини ҳисоблаш истеъмол нархларининг жамланма индекси бўйича дефляция қилиш усули орқали амалга оширилади.

50. Уй хўжаликларининг доимий нархлардаги ўз якуний истеъмоли учун ишлаб чиқарган товарлар ва хизматлар қийматини ҳисоблаш деҳқон хўжаликларининг натура шаклидаги қишлоқ хўжаликлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотларидан фойдаланган ҳолда экстраполяция қилиш усули орқали амалга оширилади.

51. Доимий нархлардаги ўз хусусий уйида яшаш хизматларини ҳисоблашда, хусусий уй-жой фонди майдонининг ўзгариши индекси бўйича экстраполяция қилиш усулидан фойдаланган ҳолда қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$IR_{const.} = IR_{t-1} * I_h,$$

бу ерда

$IR_{const.}$ - доимий нархларда ўз уйида яшаш хизматлари нархи;

IR_{t-1} - базис давридаги жорий нархларда ўз уйида яшаш хизматлари нархи;

I_h - хусусий уй-жой фонди ҳажмининг ўзгариш индекси.

52. Доимий нархларда мақсадлар бўйича таснифланган уй хўжаликларида хизмат кўрсатувчи давлат бошқаруви органлари ва нотижорат ташкилотларнинг якуний истеъмолга харажатларини ҳисоблашда меҳнат статистикаси маълумотлари бўйича тегишли иқтисодий фаолият турида банд бўлганлар сонининг ўзгариши индекси бўйича экстраполяция қилиш усули орқали амалга оширилади.

53. Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши доимий нархларда асосий капиталга инвестициялар бўйича нарх индекси орқали дефляция қилиш усули ёрдамида қайта баҳоланади, бу нарх индекси қурилиш-монтаж ишлари, машина ва ускуналар, бошқа капитал ишлар ва харажатларнинг жамланма нарх индекслари натижасида шакллантирилади.

54. Моддий айланма воситалар захираларининг ўзгаришини доимий нархларда ҳисоблаш иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарувчилар нархлари индекслари орқали дефляция қилиш усули ёрдамида амалга оширилади.

55. Экспорт-импорт операцияларини доимий нархларда ҳисоблаш товарлар ва хизматлар учун алоҳида амалга оширилади.

Товарларнинг экспорти ва импортини доимий нархларда ҳисоблашда божхона статистикаси маълумотларига кўра натура шаклидаги экспорт (импорт) қилинадиган товарлар физик ҳажми индексидан фойдаланган ҳолда экстраполяция қилиш усулидан фойдаланилади.

Хизматлар экспортини қайта ҳисоблаш учун аралаш ёндашув: транспорт хизматлари экспорти физик ҳажм индекси бўйича экстраполяция қилиш усули (халқаро йўловчи ташиш ва юк ташиш); экспорт қилинадиган хизматлар учун эса (транспорт хизматларидан ташқари) ишлаб чиқарувчилар нархлари индекслари ёки пуллик хизматларнинг айрим турлари бўйича ИНИ орқали дефляция қилиш усули қўлланилади.

Хизматлар импортини доимий нархларда баҳолаш базис даврдаги маълумотларни доллар кўринишида импорт қилинган хизматларнинг номинал ўсиши бўйича экстраполяция қилиш орқали амалга оширилади.

IX. Якуний қоидалар

56. Якуний истеъмол элементлари бўйича ЯИМ таркибини шакллантириш якуний истеъмолга, ялпи жамғарилишга ва соф экспортга қилинган харажатлар нисбатини, шунингдек, якуний истеъмолга харажатларни молиялаштиришда турли секторларнинг иштироки даражасини аниқлаш имконини беради.

57. ЯИМни якуний истеъмол усулида халқаро услубият ва тегишли таснифлагичларга асосланган ҳолда дезагрегациялаш Ўзбекистоннинг илк маротаба Халқаро таққослаш дастурининг навбатдаги цикларида иштирок этиши учун керакли маълумотларни шакллантириш имконини беради.

Фойдаланилган ахборотлар рўйхати

1. Миллий ҳисоблар тизими-2008, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа комиссияси, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки, 2009 йил;
2. Давлат бошқаруви сектори учун МҲТ ҳисобларини тузиш бўйича кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари ва маълумотлар манбалари // МДҲ статистика қўмитаси, М., 2003 йил;
3. Уй хўжаликлари сектори учун МҲТ ҳисобларини тузиш бўйича кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари ва маълумотлар манбалари // МДҲ статистика қўмитаси, М., 2004 йил;
4. Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар сектори учун МҲТ ҳисобларини тузиш бўйича кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари ва маълумотлар манбалари // МДҲ статистика қўмитаси, М., 2003 йил;
5. Башкатов Б.И., Миллий ҳисобчилик, Молия ва статистика, М., 2002 йил.

ЯИМни якуний истеъмол усулида
ҳисоблаш бўйича услубий низомга
1-илова

Якуний истеъмол усулида ЯИМни ҳисоблаш чизмаси

Сатрлар рақами	Кўрсаткичлар номи
1 = 2 + 8 + 11	Ялпи ички маҳсулот
2 = 3 + 4 + 7	Якуний истеъмол харажатлари:
3	Уй хўжаликлари
4 = 5 + 6	Давлат бошқаруви органлари
5	индивидуал товарлар ва хизматлар учун
6	коллектив хизматлар учун
7	Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар
8 = 9 + 10	Ялпи жамғарилиш
9	Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши
10	Моддий айланма воситалар захираларининг ўзгариши
11 = 12 - 13	Товарлар ва хизматларнинг соф экспорти:
12	Товарлар ва хизматлар экспорти
13	Товарлар ва хизматлар импорти

**Ўзбекистон Республикаси мақсадлари бўйича индивидуал истеъмол
таснифлагичи, 2018**

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва алкогольсиз ичимликлар;
2. Алкоголь ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ва наркотик воситалар;
3. Кийим-кечак ва пойабзал;
4. Яшаш хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари;
5. Уй-рўзғор анжомлари, маиший техника ва турар жойларга кундалик хизмат кўрсатиш;
6. Соғлиқни сақлаш;
7. Транспорт;
8. Ахборот ва алоқа;
9. Дам олиш, спорт ва маданият;
10. Таълим;
11. Ресторанлар ва меҳмонхоналар хизматлари;
12. Суғурта ва молиявий хизматлар;
13. Маиший товарлар ва хизматлар, ижтимоий ҳимоя ҳамда турли товарлар ва хизматлар;
14. Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг индивидуал истеъмолига харажатлар (УХХКНТ);
15. Давлат бошқаруви органларининг индивидуал истеъмолига харажатлар.

ЯИМни якуний истеъмом усулида
ҳисоблаш бўйича услубий низомга
3-илова

Давлат бошқаруви органларининг якуний истеъмом учун харажатларини ҳисоблаш

	Қатор- лар коди	Давлат бошқаруви сектори томонидан товарлар ва хизматларни нобозор ишлаб чиқариш	Уй ҳўжаликла- рига етказиб бериш учун товарлар ва хизматларни сотиб олишга сарфланадиган харажатлар	Якуний истеъмомга харажатлар
А	Б	1	2	3=1+2
Давлат бошқаруви органларининг якуний истеъмом харажатлари – жами	01	3-жадвал, 57 сатр	4-жадвал, 4 сатр	
шу жумладан:				
- индивидуал товарлар ва хизматлар (11+14+17+20 сатрлар)	02			
- коллектив хизматлар (01-02 сатр)	03			
Давлат бошқаруви органлари вазифалари таснифлагичининг бўлимлари:				
01. Умумий белгиланган давлат хизматлари	04			
02. Мудофаа	05			
03. Жамоат тартиби ва хавфсизлик	06			
04. Иқтисодий масалалар	07			
05. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш	08			
06. Уй-жой коммунал хизматлари	09			
07. Соғлиқни сақлаш	10			
шу жумладан:				
- индивидуал товарлар ва хизматлар	11			
- коллектив хизматлар	12			
08. Дам олиш, маданият ва дин	13			
шу жумладан:				
- индивидуал товар ва хизматлар	14			
- коллектив хизматлар	15			
09. Таълим	16			
шу жумладан:				
- индивидуал товар ва хизматлар	17			
- жамоавий хизматлар	18			
10. Ижтимоий ҳимоя	19			
шу жумладан:				
- индивидуал товар ва хизматлар	20			
- жамоавий хизматлар	21			
Давлат бошқаруви сектори томонидан тўланадиган натура шаклидаги ижтимоий трансфертлар (2-сатр)	22			
Давлат бошқаруви секторининг амалдаги якуний истеъмоли (3-сатр)	23			

ЯИМни якуний истеъмол усулида
ҳисоблаш бўйича услубий низомга
4-илова

**Уй хўжаликларига етказиб бериш учун давлат бошқаруви
секторларининг бозор ишлаб чиқарувчиларидан харид қилинган
товарлар ва хизматларга харажатлари**

Сатр рақами	Кўрсаткич номи	Маълумотлар манбаи
1.	Натура шаклидаги ижтимоий таъминот бўйича нафақалар	Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифлагич коди 47.12.000
2.	Натура шаклидаги ижтимоий ёрдам бўйича нафақалар	Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифлагич коди 47.22.000
3.	Натура шаклида жисмоний шахсларга ижтимоий ва хайрия ёрдами	1-notijorat shakli «Нотижорат ташкилотлар фаолияти тўғрисидаги ҳисобот» статистик кузатув шакли
4.	Бозор ишлаб чиқарувчиларидан уй хўжаликларига етказиб бериш учун товарлар ва хизматларни сотиб олишга сарфланадиган харажатлар	1-сатр + 2-сатр + 3-сатр

ЯИМни якуний истеъмол усулида
ҳисоблаш бўйича услубий низомга
5-илова

**Давлат бошқаруви секторининг nobозор
ишлаб чиқариш ҳисоб-китоби**

сатр №	Харажатларнинг иқтисодий таснифи					Ҳисоб-китоб алгоритми
		Гуруҳ	Туркум	Модда	Элемент	
1	I гуруҳ "Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар"	1	10 00 00 00			1-сатр = 2+6
2	Иш ҳақи	1	41	10	000.	2-сатр = 3-сатр
3	Пул шаклидаги иш ҳақи	1	41	11	000.	3-сатр = 4+5
4	Асосий иш ҳақи	1	41	11	100	
5	Иш ҳақиға устама ва қўшимчалар	1	41	11	200	
6	Уй-жой коммунал хизматлар бўйича ҳар ойлик компенсация тўловлари	1	42	99	100	
7	II гуруҳ "Иш ҳақиға қўшимчалар"					
8	Ижтимоий эҳтиёжларға ажратмалар/бадаллар	2	41	20	000.	8-сатр = 9+12
9	Ижтимоий эҳтиёжларға ҳақиқатда қилинадиган ажратмалар/бадаллар	2	41	21	000.	9-сатр = 10+11
10	ягона ижтимоий тулов	2	41	21	100	
11	ижтимоий эҳтиёжларға бошқа ажратмалар/бадаллар	2	41	21	200	
12	Шартли ҳисобланадиган ижтимоий эҳтиёжларға ажратмалар/бадаллар	2	41	22	000.	
13	IV гуруҳ. Бошқа харажатлар					
14	ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР	4	42	0	000.	14-сатр = 15+16+22+28+34+44
15	Хизмат сафарлари харажатлари	4	42	10	000.	
16	Коммунал хизматлар	4	42	20	000.	16-сатр = 17+18+19+20+21
17	Электрэнергияси	4	42	21	000.	
18	Табиий газ	4	42	22	000.	
19	Иссиқ сув ва иссиқлик энергияси	4	42	23	000.	
20	Совуқ сув ва оқава	4	42	24	000.	
21	Чиқиндиларни тозалаш, олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ хизматлар ҳамда энергетик ва бошқа ресурслар (бензин ва бошқа ЁММлардан ташқари)ни сотиб олиш	4	42	25	000.	
22	Сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш	4	42	30	000.	22-сатр = 23+24+25+26+27
23	Ер	4	42	31	000.	
24	Био	4	42	32	000.	
25	Иншоот	4	42	33	000.	
26	Машиналар, жиҳозлар ва техника	4	42	34	000.	
27	Бошқа машиналар, жиҳозлар, техника ва ўтказгич қурилмалар	4	42	39	000.	
28	Ижара бўйича харажатлар	4	42	40	000.	28-сатр = 30+31+32+33
29	Ер	4	42	41	000.	

сатр №	Харажатларнинг иқтисодий таснифи				Ҳисоб-китоб алгоритми
		Гуруҳ	Туркум	Модда	Элемент
30	Бино	4	42	42	000.
31	Иншоот	4	42	43	000.
32	Машиналар, жиҳозлар ва техника	4	42	44	000.
33	Ижара бўйича бошқа харажатлар	4	42	49	000.
34	Моддий айланма воситалари захираларига харажатлар	4	42	50	000.
35	Бошқа моддий айланма воситалар	4	42	52	000.
36	Товар-моддий захиралар	4	42	52	100
37	Кийим-кечак, пойабзал ва чойшаб-ғилофлар	4	42	52	200
38	Озиқ-овқат маҳсулотлари	4	42	52	300
39	Дори-дармонлар, тиббиётда фойдаланиладиган воситалар, вакциналар ва бактериологик препаратлар	4	42	52	400
40	Ёнилғи ва ЁММ	4	42	52	500
41	Кўмир	4	42	52	600
42	Қиш-баҳор мавсумига ғамланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари	4	42	52	700
43	Моддий воситаларнинг бошқа захиралари	4	42	52	900
44	Товарлар ва хизматлар сотиб олиш учун бошқа харажатлар	4	42	90	000.
45	Таълим харажатлари	4	42	91	000.
46	Телефон, телекоммуникация ва ахборот хизматлари	4	42	92	000.
47	Телефон, телеграф ва почта хизматлари	4	42	92	100
48	Ахборот ва коммуникация хизматлари	4	42	92	200
49	Объектларни қўриқлаш хизматлари	4	42	93	000.
50	Товарлар ва хизматлар сотиб олиш бўйича бошқа харажатлар	4	42	99	000.
51	Товарлар ва хизматлар сотиб олиш бўйича бошқа харажатлар	4	42	99	990
52	Жорий	4	48	21	000.
53	Бошқа турли харажатлар	4	48	21	100
54	Биринчи синф ўқувчиларига ўқув жиҳозлари сотиб олиш харажатлари	4	48	21	130
55	ЖАМИ, жорий нархларда				
56	Асосий капиталнинг истеъмоли, % да				
57	ЖАМИ, жорий нархларда				

34-сатр = 35-сатр

35-сатр =
36+37+38+39+40+41+42+43

44-сатр = 45+46+49+50

46-сатр = 47+48

50-сатр = 51 сатр

52-сатр = 53-54

55-сатр = 1+8+14+52

57-сатр = (55 сатр x 56 сатр)
/100 %

ЯИМни якуний истеъмол усулида
ҳисоблаш бўйича услубий низомга
6-илова

**Моддий айланма воситалар захираларини ҳисобот даврининг
ўртача нархларида қайта баҳолаш**

Бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича захиралар қиймати			Захираларни қайта баҳолаш учун индекслар		Хисобот даврининг ўртача нархларидаги захиралар қиймати	Хисобот даврининг ўртача нархларида захиралар қийматининг ўзгариши ($S_n * I_{pq} / I_{pn} -$ $S_0 * I_{pq} / I_{p0}$)	
			Захираларни сақлаш даври учун нархларнинг ўртача индекси	Хисобот даврида базис даврга нисбатан нархларнинг ўртача индекси (I_{pq})			
Давр бошига (S_0)	Давр охирига (S_n)	Захиралар қийматининг ўзгариши ($S_n - S_0$)	Давр бошига (I_{p0})	Давр охирига (I_{pn})	Давр бошига ($S_0 * I_{pq} / I_{p0}$)	Давр охирига ($S_n * I_{pq} / I_{pn}$)	
1	2	3	4	5	6	7	8